

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ
ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

МАМЕДОВ УМИД СУННАТОВИЧ

**ОРОФАРЕНГИАЛ СОҲА ЎСМАЛАРИНИ ДАВОЛАШДА
КЕНГАЙТИРИЛГАН ЛИМФОДИССЕКЦИЯНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Content of dissertation abstract of the doctor of Sciences (DSc)

Мамедов Умид Суннатович

Орофаренгиал соҳа ўсмаларини даволашда
кенгайтирилган лимфоденэктомияни
тақомиллаштириш.....

...

3

Мамедов Умид Суннатович

Совершенствование расширенной лимфаденэктомии
в лечении орофарингеального
рака.....

3

8

Mamedov Umid Sunnatovich

Improvement of extended lymphadenectomy in
treatment of oropharyngeal cancer

.....

7

1

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works

.....

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ
ВА РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ
ИНСТИТУТИ**

МАМЕДОВ УМИД СУННАТОВИЧ

**ОРОФАРЕНГИАЛ СОҲА ЎСМАЛАРИНИ ДАВОЛАШДА
КЕНГАЙТИРИЛГАН ЛИМФОДИССЕКЦИЯНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.Dsc/Tib400 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Полатова Джамила Шагайратовна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Мудунов Али Мурадович тиббиёт фанлари доктори, профессор Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович тиббиёт фанлари доктори, профессор Камышов Сергей Викторович тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Россия федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги рентгенрадиология илмий маркази

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383-уй. Тел.: (+99871) 246-05-13; факс: (+99871) 246-15-96. E-mail

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н.Тилляшайхов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

А.А.Адилходжаев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Х.Ходжибеков,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда орофаренгиал соҳа ўсмалари онкологиянинг ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларидан бири ҳисобланиб, унинг оқибатида юзага келадиган беморлар ўлими бугунги кунда замонавий онкологиянинг ўрганилиши керак бўлган муҳим омилларидан бири бўлиб келмоқда. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «... бош ва бўйин соҳаси ўсмалари барча онкологик касалликларининг 50-60% ини ташкил этади»¹. Самарали, патогенетик жиҳатдан асосланган истиқболни белгиловчи, тасҳислаш ва даволаш усуллари, хусусан, «...бош ва бўйин соҳасида юзага келадиган, орофаренгиал ўсмалар метастази беморлар психологиясига таъсир қилиб, кўшимча равишда турли соматик касалликлар ривожланишига олиб келади, бу шз навбатида беморлар ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатади»². Шу сабабли орофаренгиал соҳа ўсмаларини даволаш, шу жумладан кенгайтирилган лимфодиссекцияни такомиллаштириш ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар қаторига киради.

Жаҳон миқёсида орофаренгиал, яъни бош ва бўйин соҳа ўсмаларидан асоратланиш ва беморлар ўлимини камайтиришга қаратилган чоратadbирларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қатор, илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, орофаренгеал ўсмалар билан асоратланган беморларда регионар метастаз ва кимёвий нур терапия хусусиятларини ўрганиб, замонавий усулларни тадбиқ қилиш ва қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Онкологияда орофаренгиал ўсмалар билан асоратланиш ва ўсма метастазининг хусусиятларини ўрганиш; орофаренгиал ўсмалар метастази хавфи бўлган беморларни ташҳислаш ва даво усуллари оптималлаштириш; орофаренгиал ўсмалар билан асоратланган беморларни кимёвий терапия усулида даволаш ва ундан кейинги асоратларни олдини олиш, касалликни бартараф этишнинг замонавий усуллари тадбиқ қилиш; бўйиннинг ўсма билан метастатик шикастланиши ҳолатида асаб ва қон-томир тизимларини резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфаденектомиянинг янги усулини ишлаб чиқиш; онкологияда орофаренгиал ўсма билан асоратланган беморлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш шулар жумласидандир. Орофаренгиал соҳа ўсмаларини даволаш усуллари такомиллаштириш бўйича улкан натижаларга эришилган бўлса ҳам бу муаммо охиригича ҳал этилмаган ва ўз ечимини кутиб қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли ўртасида онкологик касалликларни

¹ Mitsudomi T., Morita S., Yatabe Y. et al. Gefitinib versus cisplatin plus docetaxel in patients with non-small cell lung cancer harbouring mutations of the growth factor receptor (WJTOG3405): an open label, randomized Phase III trial. *Lancet Oncol.* 11 (2), 121-128 (2020)

² Stukan' A.I., Chukhray O.Yu., Porkhanov V.A., Murashko R.A., Bodnya V.N., Makarova Yu.M. Human papillomavirus-associated oropharyngeal carcinoma: trends in epidemiology and methods for detecting the virus in tumors. *Head and Neck Tumors (HNT)*. 2018;8(3):77-83. (In Russ.) <https://doi.org/10.17650/2222-1468-2018-8-3-77-83>

ташхислаш, даволаш ва олдини олиш ишлари олиб борилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни янги босқичга кўтариш мақсадида, 2017-2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракат стратегиясига асосан «...хасталанган беморларга ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам муассасалари моддий-техника базасини мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш...»³ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларда аҳоли орасида онкологик касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали орофаренгиал ўсма касалликларни камайтириш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи⁴.

Орофаренгиал соҳа ўсмаларини тасхислаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of Verona (Италия), Medical University of Graz (Австрия), Sichuan University (Хитой), Gazi University (Туркия), University of Ottawa (Канада), Columbia University, University of Texas, Yale University, University of Kansas, Oxford University, University of Washington (АҚШ); University of Tokyo (Япония);

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони // www.lex.uz.

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.univr.it; www.medunigraz.at; www.en.scu.edu.cn; www.gazi.edu.tr; www.mcmaster.ca; www.columbia.edu; www.uottawa.ca; www.utexas.edu; www.yale.edu. www.medunigraz.at; www.cancer.gov/, www.uab.cat/web/universitat-autonoma-de-barcelona.html, www.oia.hokudai.ac.jp // www.aseic.org/expert, www.ewha.ac.kr/mbs-/ewhaen/, www.bloodscience.ru/, qonber.uz/pages/pages_uz/news.html / www.ouhsc.edu/, www.bumc.bu.edu/busm/cancer-center/, <http://www.gifu-u.ac.jp/en/>, www.kindai.ac.jp/english/ ва бошқа манбалари асосида амалга оширилди.

University of Edinburgh (Англия); South Korea University (Жанубий Корея); Norwegian University of Science and Technology (Норвегия); Universidade de Uberaba, Estacio de Sá University, Federal University of Rio de Janeiro; Universidade Estadual Paulista (Бразилия); University of Amsterdam, The Netherlands University (Нидерландия); University of Western Australia (Австралия); Cairo University (Миср); Taipei Medical University, Taiwan (Таиван); Medical University of Graz (Австрия), Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази Федерал Давлат бюджет муассасаси (РФ); Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон) ва Абу Али Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтида олиб борилмоқда.

Орофаренгиал ўсмалар метастази хавфи бўлган беморларни тасхислаш ва даволашда янгича ёндошувларни ишлаб чиқиш ва олдини олиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: Онкологияда бош ва бўйин саратонининг асосий давоси, айниқса ўсимта кичик ва лимфа тугунларига тарқалмаган бўлса кимёвий терапия орқали саратон хужайраларини ўлдириш, қайталаниш тезлигини камайтириш, янги роботли жарроҳлик техникаси усуллари ишлаб чиқилган (Sheba онкология маркази, Исроил); орофаренгиал ўсма касалликларида ўсма атрофидаги хужайраларининг иммунобиологик жиҳатдан даволашнинг самарадорлик кўрсаткичлари исботланган (Columbia University, АҚШ); кенгайтирилган лимфаденектомия усули орқали, бош ва бўйин саратони билан асоратланган беморларни яхшилашга қаратилган янги усуллар ишлаб чиқилган (Тяньцзин тиббиёт университети, Хитой); орофаренгиал ўсмалар билан асоратланган беморларда ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган протоколлар ишлаб чиқилган (University of Carolina, АҚШ); орофаренгиал ўсмаларда сегментар резекция қилиш орқали ўсимта тарақалган қисмига кириб бориб ўсимтани олиб ташлаш ва кимёвий нур терапия бериш орқали даволашнинг самарадолигини оширишга эришилган (University of Oklahoma Health Sciences Center (АҚШ); бош ва бўйин ўсмаларни даволашда кимёвий терапия қўлланилганда, унинг гепато-, сплено- ва нефротоксик таъсири аниқланган (Universitat Autònoma de Barcelona (Испания); орофаренгиал ўсмаларни патогенетик ташхислаш ва даволашнинг замонавий тизими ишлаб чиқилган (Division of Hematology-Oncology, Ewha Womans University, Жанубий Корея); ўсма касалликларни ривожланиши молекуляр-генетик механизмлари ҳамда касалликни даволашда дори воситаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш механизми яратилган (Онкология илмий маркази, РФ); регионар лимфа тугунларида метастаз бўлган буйрак саратонини ташхислаш ва даволаш тизими такомиллаштирилган (Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази, Ўзбекистон); орофаренгиал ўсмалар билан асоратланган беморларнинг ҳаёт сифатини оширишнинг замонавий тизими яратилган (Бухоро давлат тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Бугунги кунда жаҳон миқёсида онкология амалиётида орофаренгиал ўсмалар билан асоратланиш ҳолатларини самарали даволаш ва ташхислашда янгича

ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устивор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: орофаренгиал ўсма касалликлари билан асоратланган беморларда, унинг метастаз хусусиятларини асослаш; бош ва бўйиннинг ўсма билан метастатик шикастланиши ҳолатида нерв ва қон-томир тизимларини резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфаденектомиянинг янги усулини ишлаб чиқиш; онкологияда орофаренгиал ўсма билан асоратланган беморлар орасида ногиронлик ва ўлим ҳолатларини камайтириш борасида чора-тадбирларнинг замонавий усулларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий-тадқиқотлардан олинган натижалар, бош ва бўйин соҳасининг ясси хужайрали ўсмалари учун энг муҳим башоратга эга белгиларидан бири, унинг метастазлари мавжудлиги ҳисобланади. Орофаренгиал ўсмалар бу ҳудуднинг анатомияси ва функциясининг ўзига хослиги туфайли, анатомик ва гистологик нуқтаи назардан мураккаб бўлиб, бош ва бўйин соҳаси ўсмалари бўлган беморларда ўсимта ва унинг метастазларини аниқлаш учун бош суяги ва кўкраккача компьютер томографияси ёки магнит резонанс томографияси ўтказилган (Хазарова Е.Г., Дронова Е.Л., 2021; Болотин М.В., Соболевский В.Ю., 2021).

Бош ва бўйин саратонини тўғри даволаш дастурини танлаш учун нафақат бирламчи ўсмалар, балки улар метастазларининг хусусиятларини ҳам тўлиқ ўрганилган. Бош ва бўйин соҳасининг ясси хужайрали ўсмалари бўлган беморларда, клиникага қадар бўлган босқичда, лимфа тугунларида ўзгаришлар бўлган, бу уларни даволашда яхши самара бермаслигининг асосий сабабларидан бири ҳисобланган (Modest M.C., Moore E.J., 2019; Zhie W., Meizhu Z., 2020).

Бош ва бўйин саратони аввал маҳаллий даражада тарқалиб, сўнг бўйиндаги қўшни лимфа тугунларига метастаз беради. Маҳаллий лимфа тугунларига тарқалиш қисман ўсманнинг катталиги, унинг даражаси ва агрессивлиги билан боғлиб бўлиб, яшаш қобилитини деярли ярмига камайтиради. Узоқ метастазлар (кўпинча ўпкада) кечроқ пайдо бўлади, одатда сурункали касалликлари бўлган беморларда учрайди. Қўшни аъзоларда метастазлар мавжудлиги инсон умрини сезиларли даражада камайтиради ва деярли ҳар доим ҳам беморларни даволаб бўлмайди (Ложков А.А., Важенин А.В., 2018; Yamazaki H., Yoshida K., 2019; Amin M.B., Edge S., 2018).

Rubinstein M., Armstrong W.B. (2020) маълумотларига қараганда, саратон хужайралари асаб тўқималарига тарқалганда, қаттиқ оғриқ, фалажлик, уйқусизлик пайдо бўлган, бу эса беморларда агрессив ҳолатга олиб келиб, улар ҳаёт сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Ўзбекистонда ҳозирга қадар, турли ички аъзоларнинг хавфсиз ва хавфли ўсма касалликларини жаррохлик ҳамда консерватив усулларда даволаш тизимида қатор ишлар бажарилган, яъни Ўзбекистон Республикасидаги турли этник гуруҳлар орасида бош ва бўйиннинг хавфли ўсмалари ўрганилаган (Юсупов Б.Ю., 2017). Бош ва бўйин саратонининг кўп қисми ясси хужайрали карциномалар бўлиб, бу онкологик ўсмалар юза тўқималарнинг

юпка қатламини ташкил этувчи эпителий хужайраларидан бошланиши кўрсатилган (Полатова Д.Ш.,2020).

Мамлакатимизда орофаренгиал ўсмалар клиник белгилари, текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Полатова Д.Ш.,2020).Юқорида кўрсатилган омилларнинг аниқроқ клиник ахборотлилик ва прогностик аҳамиятини аниқлаш мақсадида, сўнгги 10 йилликдаги онкологик касалликлар билан касалланиш ва ўлим таҳлил этилиб, орофаренгиал ўсмалар билан асоратланиш ўрганилганда, айнан аввалги муаммолар аниқланган бўлиб, булар йилдан-йилга такрорланиб келаётир (Тилляшайхов М.Н.,2017; Аллазов С.А.,2018). Огиз бушлиги саратонининг эпидемиологик ва молекуляр биологик хусусиятларини коррекциялаш, даволаш ва прогнозлаш усуллари мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган. (Ганиев А.А., 2021.).Шунингдек, ёш олимлар тадқиқотларида орофаренгиал ўсмалар билан асоратланган беморлар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таҳлил этилган.

Шу билан бирга кузатувлар Бухоро вилояти худудида бош ва бўйин саратон касаллиги, унинг учраши ҳамда самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгаллигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг «Бухоро худуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017-2021 йй.)» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади орофаренгиал соҳа ўсмалари ва бўйин лимфа тугунларида регионар метастазлар бўлган беморларни жарроҳлик тактикаси ва реабилитацияни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

орофаренгиал соҳа саратон касаллигида регионар лимфа тугунларига метастаз беришининг хусусиятларини ўрганиш;

орофаренгиал соҳа ўсмаларининг регионар лимфа тугунларига метастаз берган беморларни кимётерапия асоратлари эрта ва узоқ муддатли натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

бирламчи ўсма локализацияси ва регионар лимфа тугунларининг шикастланиш даражасига (N2-3)қараб, бўйин лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши учун жарроҳлик аралашувлар ҳажмини танлаш учун зарур кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва аниқлаш;

стандарт кимёрадиотерапия олган ва жарроҳлик усули билан даволангандан сўнг регионар метастазлари бўлган орофаренгиал соҳа ўсмалари бор беморларни даволаш натижаларини қиёсий баҳолаб ўрганиш;

орофарингеал соҳа хавфли ўсмалари ва бўйин лимфа тугунларининг метастатик шикастланишларини даволашнинг турли усуллари натижаларини баҳолаш;

бўйин метастатик шикастланиши ҳолатида нейроваскуляар тузилмаларни резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфаденэктомиянинг янги усулларини такомиллаштириш;

бўйин лимфа тугунлари метастазлари ва орофарингеал соҳанинг хавфли ўсмалари билан асоратланган беморларда даволаш курси тугагандан сўнг ҳаёт сифатига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти 2000-2012 йилларда ясси хужайрали орофарингеал соҳа ўсмалари бўйинга метастаз бериши билан 615 нафар бемор ўрганилган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида 84 нафар бемор, Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги П.А. Герцен номидаги Москва илмий тадқиқот онкология институтида 388 нафар бемор ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида 143 нафар беморларда комплекс текшириш ва даволаш амалга оширилган.

Тадқиқотнинг предмети орофарингеал соҳа усмаларида модификацияланган лимфодиссекция усуллари ёрдамида метастазларнинг даволаш усулини куллаш ва орофарингеал соҳа ўсмаларини радиацион тадқиқот усуллари, гистологик текширувлар, рентгенологик ва компьютер томографияси материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда рентгенологик, ультратовуш, морфологик, нурли, жарроҳлик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

орофарингеал хавфли ўсмаларида N2-3 лимфатик тугунларини зарарланиши радикал ва модификациялашган лимфодиссекция усули ёрдамида бўйин метастазларни бўйин томир-нерв структурасининг резекциясида парафарингеал клетчаткага кириб бориш орқали ташқи уйқу артериясининг резекцияси билан фарқланадиган жарроҳлик амалиёти самарадорлиги исботланган;

орофарингеал соҳа аъзолари хавфли ўсмалари метастазларини баҳолашда ультратовуш ва магнит-томографик ташхислашдан компьютер томография текшируви бўйин лимфатик тугунлар зарарланишини ташхислашда юқори ахборотлилиги, сканерлаш кесимининг кичиклиги, ўсманинг томирларга инвазивлигини баҳолаш параметрлари устунлиги исботланган;

орофарингеал соҳа аъзолари саратонда нур ва кимётерапиянинг регионар метастазлари бўлган беморларда ўтказилиши ва иккинчи босқичда комбинациялашган жарроҳлик амалиётини бажарилиши қайталанишга олиб келувчи экстракапсуляр ўсган бўйин регионар метастазларни олиб ташлаш имконини берганлиги исботланган;

бўйиннинг лимфатик тугунларини метастатик зарарланишида нейроваскуляар тузилмаларни резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфодиссекциянинг такомиллаштирилган усули ишлаб чиқилган;

оғиз-халқум, бурун-халқум, кекирдак-халқум, халқум ва оғиз шиллик каватининг саратон касаллигида ясси хужайрали хавфли ўсмаларининг регионар метастазлари бўлган беморларда комбинациялашган ва комплекс такомиллаштирилган даволаш усули самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

беморларда орофаренгиал соҳа ўсмаларини ва метастазларини даволашга қаратилган лаборатор, жарроҳлик, гистологик ва кимёрадиотерапия текширув стандарти ишлаб чиқилиб амалиётга татбиқ этилган;

орофаренгиал соҳа ўсмалари регионар метастаз берган беморларда даволаш усуллари танлаш мезонлари аниқланиб, услубий тасиялар ишлаб чиқилган;

орофаренгиал соҳа ўсмалари бор беморларнинг томир ва асаб тузилмаларини резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфоденэктомиянинг янги ёндашувлари ишлаб чиқилган;

бўйин лимфа тугунларининг метастатик шикастланиши учун жарроҳлик аралашувлар ҳажмини танлаш учун зарур кўрсатмалар ишлаб чиқилиб, ўсманинг бирламчи локализацияси ва лимфа тугунларининг шикастланиш даражасига боғлиқлиги илмий асослаб берилган;

орофаренгиал соҳа ўсмалари метастаз берган зоналарда жарроҳлик аралашувлар ҳажмини танлаш кўрсаткичлари аниқланган;

орофаренгиал соҳадаги ўсмалар бўлган беморларнинг жарроҳлик даволаш тактикасини танлашда дифференциал ёндашув мезонлари ўрганилган;

бош ва бўйин соҳаси лимфа тугунларида метастазлари мавжуд беморларнинг даволаш курси тугандан сўнг беморлар ҳаёт сифатининг умумий ҳолатини ва уни ёмонлашувига олиб келадиган омиллар ўрганилиб илмий асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва замонавий усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, танланган материалнинг етарли миқдордалиги, умумклиник, мофологик, гистологик ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, орофаренгиал соҳа ракида лимфа тугунларида метастатик зарарланишларни тапхислаш ва даволаш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшувчи назарий аҳамиятга эга. Гистологик текширув натижалари ва жарроҳлик даволашнинг самарадорлигига қараб, орофаренгиал соҳа ракида, регионар зона лимфа тугунлари метастатик зарарланишларини даволаш учун комплекс ёндашувлар ишлаб чиқилган. Морфологик ва гистологик маълумотлар ҳисобга олган ҳолда орофаренгиал соҳа ўсмаларини лимфоденэктомия ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган. Олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларини аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар, лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши жарроҳлик даволашда регионар лимфа тугунлари ва орофаренгиал соҳа ўсмаларига янги жарроҳлик усулининг ишлаб чиқилганлиги ва клиник амалиётга жорий қилиниши, шунингдек аралашувнинг тактик ва техник жиҳатларини модернизация қилиш, даволаш самарадолигини ошириш, осоратлар ва ижтимоий чекловларни камайтириш, ҳаёт сифатини ошириш имконини берди. Орофаренгиал соҳа ўсмалари метастазида лимфоденэктомия ўтказиш даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган. Ишлаб чиқилган янги ташхислаш ва жарроҳлик турини танлаш даволаш самарадорлигини оширади ва ҳаёт сифатини яхшилаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Орофаренгиал соҳа ўсмаларини даволашда кенгайтирилган лимфоденэктомияни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

юз-жағ соҳасида саратон касаллиги кузатилган беморларда онкологик касалликлар ташхислаш усуллари ва уни коррекциялаш йўллари аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Юз-жағ соҳаси онкологик касалликларининг диагностикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йил 3 октябрдаги 8н-р/312-сон маълумотномаси). Натижада юз-жағ соҳаси саратони билан асоратланган беморларда ташхислашнинг янги усуллари танлаш орқали хастлаик самарали даволаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

офаренгиал соҳа раки кузатилган беморларда жарроҳликнинг янги ёндашувлари ва механизмларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати ўсмасини хирургик даволашда кенгайтирилган лимфодиссекцияни бажариш методикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги 8н-р/307-сон маълумотномаси). Натижада оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати саратонида кенгайтирилган лимфа тугунлари лимфодиссекцияси ўтказиш техникасини такомиллаштиришга ёрдам берган, бу эса беморларнинг умр кўриш давомийлигини узайтириш имконини берган;

бош ва бўйин ўсмалари кузатилган беморларда кенгайтирилган лимфа тугунлари лимфодиссекциясидан кейинги даволаш усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Бош ва бўйин ўсмаларида кенгайтирилган лимфодиссекциядан кейин беморларни олиб бориш тактикаси» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги 8н-р/323-сон маълумотномаси). Натижада бош ва бўйин соҳаси саратонида кенгайтирилган лимфа тугунлари лимфодиссекциясини ўтказиш техникасини такомиллаштириш, қўшимча янги усулларни ишлаб чиқиш орқали ушбу беморларнинг узоқ муддат яшаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари бта илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Орофаренгиал соҳа ўсмаларининг регионар метастазлари ва уларнинг даволаш усуллари»** деб номланган биринчи бобида олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиққан ҳолда адабиётлар шарҳида орофаренгиал ўсмалар билан асоратланган беморларда лимфодиссекция жарроҳлик усули муаммосининг замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар келтирилган. Орофаренгиал соҳа ўсмаларида нур ва кимёвий терапия кўрсаткичларининг замонавий талқини, таснифи ва хавф омиллари, бўйин ва бош соҳаси саратонининг жарроҳлик усулларни ўзига хос хусусиятлари, бўйин бош лимфа тугунларининг шикастланишини даволашда нур ва кимётерапиянинг аҳамияти келтирилган.

Диссертациянинг **«Орофаренгиал соҳа саратонини тасхишлаш ва даволашда янги ёндошувларни ишлаб чиқиш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилаётган беморларнинг умумий характеристикалари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, тадқиқотда қўлланиладиган усуллар ҳақида маълумот тақдим этилган.

Мақсад ва вазифаларга мос ҳолда мазкур илмий-тадқиқот иши 2000-2012 йилларда ясси ҳужайрали орофаренгиал соҳа ўсмалари бўйинга метастаз бериши билан 615 нафар бемор ўрганилган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази клиникасида 84 нафар бемор, Россия соғлиқни сақлаш вазирлиги П.А. Герцен номидаги Москва илмий тадқиқот онкология институтида 388 нафар бемор ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида 143 нафар беморларда комплекс текшириш ва даволаш амалга оширилган.

615 нафар бемордан 258 нафариди томоқ-ҳалқум ўсмалари (шундан бурун-ҳалқум -101, оғиз-ҳалқум- 93, кекирдак-ҳалқум-64), оғиз шиллик қавати ўсмалари (шундан тилдаги ўсмалар-52, оғиз туби-42, пастки жағ ўсмалари -36,

ёноқ ўсмалари-30) ва ларингеал ўсмалари бўлган 197 бемор. Бу беморларнинг касаллик тарихи ўрганилиб, таҳлил қилинган.

Асосий гуруҳга бўйин лимфа тугунларидаги метастазлари бўлган орофаренгиал соҳа ўсмалари бўлган 279 нафар бемор кирган. 336 нафар бемор назорат гуруҳига киритилган. Барча беморларга халқаро стандартларга мувофиқ комбинирланган ва комплекс даволаш ўтказилган. Таққосланган гуруҳларда фарқ қуйидагича бўлган: асосий гуруҳ беморларида ишлаб чиқилган бўйин лимфа тугунлари диссекцияси, назорат гуруҳида бўйин лимфа тугунларининг Крайл усули бўйича лимфодиссекция жарроҳлик усуллари ўтказилган.

Орофаренгиал соҳа ўсмалари билан асоратланган 615 бемордан 522 нафари эркактар, 93 нафари аёллардир. Беморларнинг ўртача ёши $57 \pm 4,27$ ни ташкил қилган. 472 нафар беморда бўйин лимфа тугунлари зарарланиши N₂₋₃ даражали шикастланишлар кузатилган. Фақатгина 143 нафар беморда N₁ зарарланиш кузатилган. 54 нафар бемордан 14 (25,9%) ида илгари бўйин лимфа тугунларида биринчи даражали селектив диссекция жарроҳлик амалиёти бажарилган, шундан 15 (27,8%) нафарида иккинчи даражали, 12 (22,2%) нафарида учинчи даражали, 9 (16,7 %) нафарида ва 3 (5,6%) нафарида бўйин лимфа тугунлари диссекция жарроҳли амалиёти бажарилган.

Бўйин лимфа тугунларини диссекция қилиш усули лимфа тугунларининг метастатик зарарланиши мавжуд бўлганда амалга оширилган, жарроҳлик усули нур терапиядан кейин эса метастазларнинг тўлиқ бўлмаган регрессияси кузатилгандан сўнг амалга оширилган. Агар даволаш жарроҳлик йўли билан бошланган бўлса, бўйин лимфа тугунлари бир вақтнинг ўзида бирламчи ўсмалар билан олиб ташланган ёки кечиктирилган лимфоденэктомия жарроҳлик амалиёти бажарилган. Икки томонлама лимфа тугунлари метастазларида бўйин лимфа тугунларида диссекция жарроҳлик амалиёти 2-3 ҳафта оралиғида навбатманавбат амалга оширилган. Тадқиқотга жалб қилинган барча беморларда бўйин лимфа тугунларига метастаз берганда лимфодиссекция жарроҳлик амалиёти бажарилган. Радикал ва модификацияланган бўйин лимфаденэктомия қилинган. Крайл операциясидан фарқли ўлароқ, модификацияланган диссекцияда нейроваскуляр тизимларни резекция қилиш билан кенгайтирилган лимфаденэктомия ўтказилган. (патент №FAP 01153, 2016.)

Режалаштирилган нурланиш ҳажмига қуйидагилар киритилган: макроскопик аниқланадиган ўсимта билан антомик майдон; ўсимта жараёнининг субклиник тарқалиши, беморлар ҳаракати ва нурланиш пайтида позициясини ўзагртирганда кузатиладиган хатоларни ҳисобга олган ҳолда тўқималарни қўшимча ўтказиб бериши (камида 1см); томоқ-ҳалқум ўсмалари бор беморларга трахеостома бўлса, нурланиш ҳажмига трохеостоманинг ўзи ҳам кириши, бундан ташқари томоқнинг ҳамма қисмлари, тилости соҳасига тарақалган ўсмалар ҳам киритилган; орофаренгиал ўсмалар бўлган беморларда оғиз-ҳалқумгача инфильтрация, шунингдек, беморларга операциядан кейинги тўқима қирқимларида ўсимта хужайралари борлиги сабабли, нур терапияси ўтказилган. Бош ва бўйин

ўсмалари билан асаоратланган беморларни нур билан даволашда анъанавий режимда (РОД 2 Гр, СОД 66-70 Гр) стандарт сифатида ишлатилган. Қўлланиладиган курслар 7-14 кунлик интервал билан ўтказилган, ёши катта беморларга 40гр дозаларда қўлланилган.

Текширув давомида олинган маълумотларга Pentium-IV персонал компютерида Microsoft Office Excel – 2016 дастурий таъминот ёрдамида статистик ишлов функцияларини қўллаган ҳолда статистик ишлов берилган.

Диссертациянинг «**Томоқ саратонини даволаш натижаларини таҳлил қилиш**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотда қатнашган беморларнинг клиник кечиши, комбинирланган ва комплекс даво чоралари тасвирланган.

258 нафар бемор 2002-2012 йиллар оралиғида Россия соғлиқни сақлаш вазирлигининг П.А. Герцен номидаги Москва онкология илмий-тадқиқот институтида ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази Бухоро филиалида даволанган беморлардир. Барча беморларнинг 1/3 қисмини ясси хужайрали ва кўпинча беморларда шохланмайдиган хужайрали саратон (43,4%)ни ташкил қилган.

Даволаш усулига кўра беморлар куйидаги гуруҳларга бўлинган:

1-гуруҳ беморларига 1-босқичда кимёвий ва нур терапия олганлар, 2-босқичда жарроҳлик усули орқали даволанганлар (94 нафар бемор);

2- гуруҳ беморларига 1-босқичда жарроҳлик амалиёти ўтказилганлар, 2-босқичда кимё ва нур терапия олган 83 нафар беморлар;

3-гуруҳга 1-босқич нур терапия билан даволанганлар, 2- жарроҳлик усули билан даволанган 81 нафар беморлар киритилган.

Баъзи бир ҳолларда (37 нафар беморда), 60Гр масофали нурланишдан кейин бурун-ҳалқум ўсмаларининг резорбцияси етарли бўлмаган тақдирда, СОДэкв.80гр қўшимча равишда брахитерапия ўтказилган.

Даволашнинг жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморлар гуруҳида, неоадювант кимёвий ва нур терапиясидаг сўнг, бир вақтнинг ўзида зарарланган ўчоқ лимфодиссекция қилинган– 47та асосий гуруҳда, 21 та (44,7%) ҳолатда бажарилган. Улардан 7 таси (14,9%) томоқ-ҳалқум, 5таси (10,6%) бурун-ҳалқум ва 9 (19,1%) таси кекирдак-ҳалқумда бажарилган. Шундан 26 (55,3%) ҳолларда бўйинда лимфодиссекция амалиёти бажарилган.

Назорат гуруҳида шунга ўхшаш даволаш 47 нафар беморда ўтказилган, шундан 17та (36,2%) ҳолатда бир вақтнинг ўзида бирламчи ўчоқ ва бўйинда лимфодиссекция амалиёти бажарилган, 30 та(63,8) ҳолатда бўйинда лимфа тугунлари диссекция амалиёти ўтказилган. Назорат гуруҳи беморларининг 17 нафарида, 10 (27,0%) ҳолатда оғиз-ҳалқум ўсмаларида бир босқичли жарроҳлик амалиёти бажарилган, 5 (13,5%) ҳолатда бурун-ҳалқумда ва 2(5,4%) ҳолларда кекирдак-ҳалқумда жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Иккинчи гуруҳда, ассосий гуруҳнинг 39 нафар бемориди 17(43,6%)ҳолатда, бирламчи ўчоқда бир босқичли жарроҳлик амалиёти регионар лимфа тугунларида бажарилган, 22 (56,4%) ҳолларда бўйин лимфа тугунларида лимфодиссекция амалиёти бажарилган. Шундан 17нафар беморнинг 8(20,5%) тасида оғиз-ҳалқум ракида, 6 (15,4%) беморларда оғиз-ҳалқум ва 3 (7,7%) беморларда кекирдак-ҳалқум ракида амалиётлар

бажарилган. Назорат гуруҳининг 44 беморида 11(25%)ҳолатда бир босқичли жарроҳлик амалиёти бажарилган, 7 (15,9%) оғиз-ҳалқум ўсмаларида, 3 (6,8%) бурун-ҳалқумда ва 1 (2,3%) кекирдак-ҳалқумда ўсмаларида жарроҳлик амалиёти бажарилган.

Учинчи гуруҳда, асосий гуруҳдаги 27 бемордан 12 (44,4%) бир босқичли жарроҳлик амалиёти, назорат гуруҳида эса 19та (35,2%) ўтказилган. Бошқа ҳолларда, жарроҳлик аралашувлар регионар лимфа тугунларида диссекция амалиёти билан чеаграланган. Бирламчи ўчоқни олиб ташлаш амалиёти 9 (30%) орофаренгиал ўсмаларда, 3(11,1%) оғиз-ҳалқум ўсамаларида амалга оширилган. Назорат гуруҳи беморларида 6(11,1%) оғиз-ҳалқумда, 9(16,7%) бурун-ҳалқумда ва 4 (7,4%) кекирдакда бажарилган. Бирламчи ўчоқни олиб ташлаш 117 нафар беморда ўтказилган, шу жумладан 50(42,7%) асосий гуруҳда ва 67 (57,3%) назорат гуруҳида ўтказилган. Регионар лима тугунларида лимфодиссекция жарроҳлик амалиёти 113 (100%) асосий гуруҳда ва 103 (71,0%)назорат гуруҳида амалга оширилган. Бирламчи ўчоқ 117 нафар беморда, шундан 50 нафари асосий гуруҳ ва 67 нафари назорат гуруҳида олиб ташланган, 59 та ҳолатда, шундан 29 асосий, 30 назорат гуруҳида кимё нур ва нур терапия ўтказилган (1-жадвал).

1-жадвал

Асосий ва назорат гуруҳларида томоқ ўсмалари бўлган беморларни консерватив даволашнинг тезкор натижалари

Текширув гуруҳлари	Тўлиқ натижа	Қисман натижа	Нативасиз	Прогрессив
Асосий гуруҳ, n=84	51 (60,7%)	21 (25,0%)	10 (11,9%)	2 (2,4%)
Назорат гуруҳи, n=115	69 (60,0%)	25 (21,7%)	18 (15,7%)	3 (2,6%)
Жами, n=199	120 (60,3%)	46 (23,1%)	28 (14,1%)	5 (2,5%)

Жарроҳлик материалларига асосланган кимё ва нур терапия натижаларини гистологик таҳлил қилиш жараёнида, метастатик жараённинг тарқалишига қараб, N₁ га мос келадиган метастазлар тарқалиши билан саратон касаллиги ушбу усул ва даражага сезгирроқ эканлиги аниқланган. III-IV патоморфоз деярли 63/67 (64%) ҳолларда кузатилган. Гарчи кўп ҳолларда N₃ бўлсада, ўсмаларнинг тўлиқ резорбцияси кузатилмаган, I-II даражали патоморфоз 70 нафар бемордан, 22 (31,4%) ҳолатда, 3-даражали 45 (64,3%) ҳолатда аниқланган, фақат 3 (4,3%) нафар беморларда патоморфозни 4-даража дейиш мумкин бўлган. N₂ билан I-II даражали патоморфоз 94 нафар бемордан 19 (20,2%) нафарида ва III-даражали 67 (71,3%) беморда, 8 (8,5%) ҳолатда IV-даражали патоморфозлар аниқланган.

Беморларнинг бешдан бирида кимё нур терапиядан сўнг бўйиннинг гистологик препаратларида яшовчан ўсимта хужайралари бўлган. Тўлиқ таъсир 60,3% ҳолларда кузатилган, улар орасида 13,3% бўйин лимфа тугунларида ўсма хужайралари бўлган. Пайпаслаганда бўйинда сезиладиган лимфа тугунлари

бўлган беморларда ҳаётий ўсма хужайралари 44,1% да топилган. N₁ тўлиқ натижа (8,8%) ва N₂₋₃ тўлиқ натижа (10,5 %) гуруҳлар ўртасида яшовчан ўсма хужайралари пайдо бўлишида сезиларли фарқ бўлмаган. Бўйин лимфа тугунларида яшовчан ўсимта хужайралари бўлган N₁ беморларда, тўлиқ натижа ва қолдиқ ўсма хужайралари бўлганлар орасида сезиларли фарқ бўлмаган.

Бирламчи ўсма тугунлари олиб ташланган 117 нафар беморнинг ҳеч бирида интeроператив асорат кузатилмаган. Барча беморларда бўйин лимфа тугунлари диссекциясининг турли хил вариантлари ўтказилган. 117 нафар беморда бўйин лимфа тугунлари лимфодиссекция жарроҳлик амалиёти орқали бирламчи ўсма ўчоғи бир мартада олиб ташланган. Радикал бўйин лимфа тугунлари лимфодиссекцияси назорат гуруҳининг 145 нафар беморида ўтказилган ва битта чекланган жой алмашинадиган метастазлар ички бўйин венасига ва sternokleidomastoid мускулларига ёпиштирилган. Модификацияланган лимфа тугунлари лимфодиссекцияси кўшни анатомик тузилмалар билан боғланган бўйин лимфа тугунларида битта ва бир нечта жой алмашинадиган метастазли беморларнинг асосий гуруҳининг 113 та ҳолатида бажарилган.

Ушбу тадқиқотга жами 258 нафар бемор жалб қилинган. Бўйин диссекциясининг эрта асоратларини мустақил усул сифатида ўрганиш учун беморлар бўйин лимфодиссекциядан кейин кимёнуp терапия олганига қараб таҳлил қилинган. Бўйин лимфа тугунлари лимфодиссекциясидан кейин 258 кишидан 83 нафар беморга операциядан кейин кимёнуp терапияси, 81 нафар беморга операциядан олдин нур терапия ва 94 нафар беморга операциядан олдин кимё терапия буюрилган.

Бўйин лимфа тугунларининг гистологик препаратларида яшовчан ўсимта хужайралари бўлган беморларда, ўсманинг бошқа жойларида, ипсилатерал такрорланиш частотаси 14% ни ташкил қилса, гистологик препаратларда яшовчан ўсимта хужайралари бўлмаган беморларда такрорланиш даражаси 2,5%ни ташкил этган.

Бодомсимон без ёки тил ўсмалари билан асоратланган беморлар, касалликдан ўзига хос омон қолиш билан 87,3% ни, бошқа жойлардаги ўсмалари бўлган беморларнинг 67,9% га нисбатан анча яхши клиник натижага эга бўлинган. Масофавий нур терапиясидан кейин беморларда, бўйин лимфа тугунлари биопсиясида яшовчан ўсма хужайралари бўлса, бўйиндаги яшовчан ўсимта хужайралари бўлмаган беморларнинг 10% га нисбатан, касалликнинг 52% ида ривожланиши натижасида ўлим прогнози ёмонроқ бўлган.

Радикал бўйин лимфа тугунларининг лимфоденэктомияси ва бўйин лимфодиссекцияси билан жарроҳлик амалиёти бажарилган беморлар ўртасида даволаш бошланишидан кимёнуp терапия ёки масофавий нур терапиягача бўлган даволанишдан 12 ой ўтгач, бўйиннинг ҳаракатланиши оралиғида ва оғиз очилишида фарқ бўлмаган. Модификацияланган ва радикал бўйин лимфа тугунлари диссекцияси бўлган беморларда даволанишдан кейин 2 ой ичида бўйиннинг ҳаракатланиш оралиғи ва оғиз очилишининг барча учта параметрларида ишонарли пасайиш кузатилган ($p < 0.001$). Даволашдан 12 ой

ўтгач, бўйиндаги айланиш ҳаракатларида ҳали ҳам сезиларли пасайиш кузатилган, лекин унинг бошқа параметрларига таъсири аҳамиятсиз бўлган. 12 ойдан кейин беморлар гуруҳи кичрайган, беморларни йўқотиш рецидивдан ёки ўлимдан 33 нафарга етган, номаълум сабабларга кўра 24 нафарни ташкил этган. Рецидивларнинг учраши асосий гуруҳда 7,9%ни, назорат гуруҳида 8,9%ни ташкил қилган.

Бўйин лимфа тугунлари лимфодиссекциясидан кейин беморларда елка функцияси бузилган беморларнинг умумий сони 17,0% ни ташкил этган.

